



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

№БД – 5511000 - 5.04

231 - Соғлиқни сақлаш

2019 йил “ 1 ” 08

2019 йил “ 12 ” 09



**ПАРОДОНТАЛ ХИРУРГИЯ**

**ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 500 000 – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510 000 – Соғлиқни сақлаш

Таълим йўналиши: 5511000– Болалар стоматологияси

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 20 19 йил “12” 09 даги “231” – сонли буйруғининг 1-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги тиббиёт олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 20 18 йил “1” 08 даги “2” – сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент давлат стоматология институтида (ТДСИ) ишлаб чиқилди.

#### Тузувчилар:

- Хасанов Ш.М. – ТДСИ “Хирургик стоматология ва денгал имплантология” кафедраси мудири, т.ф.н., доцент
- Садикова Х.К. – ТДСИ “Хирургик стоматология ва денгал имплантология” кафедраси доценти, т.ф.н.

#### Тақризчилар:

- Абдукадиров А.А. – ТВМОИ “ Хирургик стоматология ” кафедраси мудири, т.ф.д. профессор
- Абдуллаев Ш.Ю. – ТДСИ “Юз-жағ касалликлари ва травматологияси” кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

Фан дастури Тошкент давлат стоматология институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201 9 йил “23 май” даги “10”-сонли баённома).

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалаврият таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Дастур асосида замонавий педагогик технологияларни ўқитиш жараёнига тадбиқ этиб, талабани назарий маълумотидан бошланғич амалий кўникмаларни фантомларда бажаришга ўргатиб ва орттирилган кўникмаларни замонавий тиббий технологиялар орқали клиник амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда мустақил равишда беморларни ташхислаш ва қабул қилишга замин яратиб беради. Дастурнинг мақсад ва вазифаларини ечимни яқинида талаба горизонтал ва вертикал интеграция жараёнларида олган билим ва амалий кўникмаларни клиник уйғунлаштириб, етук, рақобатбардош, мустақил клиник фикрлаш қобилиятига эга бўлган умумий амалиёт болалар стоматологига бўлиб шаклланади.

Мазкур фан ўқув режадаги тиббий биология, умумий генетика, биофизика, тиббий кимё, биокимё, анатомия, физиология, гистология, цитология, эмбриология, микробиология, вирусология ва иммунология, терапия, клиник аллергология, фтизиатрия, клиник фармакология, хирургия, нейрохирургия фанларидан ўзлаштирилган билимларга асосланади.

Ушбу дастур талабани болалар стоматологиясига олиб кириш билан бирга, асосий пародонтология асослари ва тамойиллари, пародонт касалликларнинг клиникавий текшириш усуллари, уларни ташхислаш, даволаш ва профилактика асосларини ўз ичига қамрайди.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Пародонтал хирургия фанини ўқитишдан мақсад – талабаларни клиник фикрлаш қобилиятини ўстиришга қаратилган услубларни замонавий педагогик технологиялар орқали пародонтология асослари ва тамойиллари, пародонтологик асбоблар, муолажалар, пародонт касалликларининг келиб чиқиш сабаблари (этиологияси), ривожланиш механизмлари (патогенез), клиникалари, ташхис ва қиёсий ташхислари, даволаш усуллари ҳамда уларни олдини олиш (профилактика) чора-тадбирларини ўргатиш, шу орқали пародонт касалликлари бор беморларда амбулатор хирургик стоматологик ёрдамини кўрсата оладиган умумий амалиёт болалар стоматологини тайёрлаш.

### Фанининг вазифалари:

- фанининг бўлимларига тегишли билимлар билан талабаларни босқичма-босқич таништириб бориш, ўргата бориш ва кўникмаларни ҳосил қилиш;
- янги педагогик технологияларни дарс жараёнига тадбиқ этиб, талабани клиник фикрлаш қобилиятини ўстириш ва билиминини сақлаш даражасини ошириш;
- талабанинг клиник фикрлаш қобилиятини ўстиришга қаратилган стандартга мос амалий кўникмаларни ассистент-талаба, талаба-фантом, талаба-бемор услубида автоматизм даражасига етказиш;

– фан соҳасига тааллуқли пародонт касалликлари ташхиси ва қиёсий ташхиси босқичларини, даволаш ва профилактика усулларининг зарурий жиҳатлари тўғрисида маълумот бериш.

Фан бўйича талабаларнинг билим кўникма ва малакаларига куйидаги талаблар қўйилади.

**Талаба:**

– амалий тиббиётда ва стоматолог фаолиятида юз–жағ соҳасини ва оғиз бўшлиғи органлари ва пародонтологик текширувларнинг профессионал усуллари;

– пародонт касалликлари этиологияси, патогенези;

– пародонтологияда қўлланиладиган антисептиклар, дори воситалари;

– пародонтологик даволаш босқичлари;

– беморларни пародонтал хирургияга тайёрлаш;

– пародонтал хирургияни режалаштириш;

– пародонтал хирургиянинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида *масаввурга эга бўлиши*;

– ўқув ва илмий адабиётлар билан мустақил ишлашни, амалий кўникмаларни мустақил бажариш, тест ва вазиятли масалаларни ечишни;

– пародонт касалликларини даволашга мўлжалланган хонага қўйиладиган талабларни;

– пародонт касалликлари бўлган стоматологик беморларда хужжатларни тўлдиришни (043-4 шакл, 39-стом);

– пародонт касалликлари бўлган стоматологик беморларда асосий текшириш усулларини (сўров, кўрик, зондлаш, перкуссия, палпация, тиш кимирлашини аниқлаш) ўтказишни;

– пародонт касалликлари бўлган стоматологик беморларда қўшимча текшириш усулларини (термодиагностика, ЭОД, рентгенодиагностика) ўтказишни;

– пародонт касалликлар этиологияси, клиникаси, қиёсий ташхисини;

– пародонт касаллик турларининг ўтқир ва сурункали шаклларини даволаш ва профилактика асосларини;

– пародонт касалликларида даволаш турини танлашни;

– пародонт касалликларида рентген тасвирларни ўқишни;

– пародонт касалликларида хирургик даволаш усуллари (вестибулопластика, кюретаж, гингивотомия, гингивоэктомия, микростеопластика ва ҳ.к.) ни;

– френклотомия ва френулоэктомияга кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни;

– френклотомия ва френулоэктомия усулларини бажаришни;

– умумий соматик касалликлари бор беморларда пародонтал хирургияни ўтказиш учун қўшимча текширув усуллари ва пародонтал хирургияни режалаштиришни;

- умумий соматик касалликлари бор беморларни пародонтал хирургияга тайёрлаш ва пародонтал хирургия ўтказиш хусусиятларини;
- пародонтал хирургия вақтида бўлиши мумкин асоратларни;
- пародонтал хирургиядан кейин бўлиши мумкин бўлган асоратларни;
- пародонтал хирургиядан кейин беморларни парваришлашни;
- замонавий пародонтологик асбоблар билан ишлашни;
- соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- пародонт чўнтак чуқурлигини аниқлаш;
- кюретаж ўтказиш (3 та дан ортик бўлмаган тишлар соҳасида);
- оғиз бўшлиғи даҳлиз кисмини чуқурлигини аниқлаш;
- юганчаларни калталигини аниқлаш *амалий кўникмаларига (шу жумладан клиник амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак*.

### III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-мавзу. Пародонтал хирургияга кириш. Пародонт касалликларини хирургик даволаш усулларига кўрсатма ва қарши кўрсатмалар. Пародонт касалликларини патоморфологияси. Остеопластик материалларни қўллаб репаратив регенерацияни оптималлаштириш. Беморларни текшириш ва жаррохлик ҳаракатига тайёрлаш. Оғиз бўшлиғини протезлашга хирургик тайёрлаш (вестибулопластика, френулотомия, френулоэктомия ва экзостозларни бартараф этиш).

Пародонтал хирургия тарихи, пародонт касалликларини хирургик даволашга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар. Пародонтал хирургияда беморларни текшириш ва жаррохлик ҳаракатига тайёрлаш этаплари. Пародонтал хирургияда ишлатиладиган остеопластик материаллар.

### IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Фан бўйича машғулотлар 50% назарий (маъруза ва амалий машғулот) ва 50% амалий қисм (клиник ўқув амалиёт)дан иборат бўлган ҳолда олибборилади. Амалий машғулотнинг назарий ва амалий қисми ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади.

#### *Пародонтал хирургия бўлими бўйича*

Амалий машғулотлар учун куйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Пародонт касалликларини диагностик текширувларга асосланиб, хирургик даволашга тайёрлаш.
2. Очиқ кюретаж ва Видман-Нейман усуллари.
3. Пародонт касалликлари бор беморларда хирургик давода остеопластик материалларни ишлатишга кўрсатмалар. Тўқима регенерацияси тамойиллари.

4. Пародонт касалликлари бор беморларда хирургик операцияда юмшоқ тўқима пластикаси ва трансплантацияси.

5. Пародонт касалликлари бор беморлар хирургик операциясида суяк тўқимаси пластикаси ва трансплантацияси. Ауто ва трансплантацион остеопластик материаллар.

6. Пародонтал хирургик операция ўтказилгандан кейинги беморларни парваришlash. Операциядан кейинги эрта ва кечки асоратлар.

7. Оғиз бўшлигини протезлашга хирургик тайёрлаш (вестибулопластика)

8. Тил ва лаб юганчалари френулотомия ва френулоэктомияси, экзостозларни бартараф этиш операцияси.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулот давомида аниқ бир мавзуларни назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш, услубий жиҳатдан долзарб бўлган мавзуларни чуқур таҳлил қилиш, алоҳида муаммолар бўйича илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш мақсадида савол-жавоб, суҳбат, доклад ва рефератларни муҳокама қилиш, ёзма назорат ишларини олиш, вазиятли масалаларни муҳокама қилиш ва тест саволларига жавоб бериш орқали эгалланилади. Шу билан бирга машғулот давомида интерфаол усуллардан ва компьютер, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда назарий билимларни мустаҳкамлаш лозим.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш.

Пародонтал хирургия фани бўйича клиник амалиётни ўтиш даврида талабалар амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

#### **Амалий кўникмалар рўйхати:**

1. Пародонт чўнтак чуқурлигини аниқлаш;
2. Кюретаж ўтказиш (3 та дан ортик бўлмаган тишлар соҳасида);
3. Оғиз бўшлиғи даҳлиз қисмини чуқурлигини аниқлаш;
4. Юганчаларни калталигини аниқлаш.

#### **Клиник ўқув амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Талабаларнинг “Пародонтал хирургия” фани бўйича клиник амалиёти таълим жараёнининг 50%ини ташкил қилади ва амалий машғулотлар хирургик стоматология маслаҳат поликлиникаларида, кафедра базаларида ташкил этилган хоналарда ўтказилади.

Амалий машгулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – машгулотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли асбоб анжомлар ишлаш механизми, ишлатиш қоидалари билан талабар таништирилади.

Биринчи босқични амалга ошириш учун кафедрада барча асбоб анжомлар мавжуд ва ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

2. Иккинчи босқич – амалий кўникмани намоиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни кадамга кадам алгоритми педагог томонидан ва видеофильмлар орқали намоиш этилади, алгоритм асосида босқичма босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилади. Талаба амалий кўникмани мустақил, бироқ педагог назорати остида муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенларда, талабалар ўзаро бир-бирида кўп марта машқ қилиб ўрганадилар. Бошида барча босқичларини алоҳида, кегин умумлаштирган ҳолда тўлиқ ва тўғри бажара олгандан сўнг беморда қўллашга рухсат берилади (имитацион тренинг).

Иккинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар кадамга кадам алгоритми ва видеофильми, ўқув-услубий қўлланмаси, бажариш схемаси ёки техникаси ва ҳ.к., баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенлар, имитаторлар, асбоб анжомлар бўлиши лозим ва керакли шарт шароитлар (максимал даражада иш шароитига яқин моделлаштирилган) яратилиши лозим. Бу босқичда педагог назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғирлайди. Бу жараёнда талаба ҳаракатлари видеотасвирга олиниб ўзига намоиш этилиши, критик муҳокама қилиниши мумкин. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирилганини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма афтоматизм дарасигача етказилиши мақсадга мувофиқ.

3. Учинчи босқич - ўрганилган билим ва амалий кўникмани беморда қўллаш. Бу босқичда талаба ўзлаштирилган билим ва амалий кўникмани турли хил клиник ҳолатларда (шу жумладан шошилинич ҳолатларда) қўллашга, олинган натижаларни таҳлил қилишга ва шу маълумотлар асосида ҳаракат тактикасини белгилашга педагог назоратида ўргатилади.

Учинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, вазиятли масалар ва тестлар тўплами, кейслар, клиник протоколлар, диагностика ва даволаш стандартлари, ўргатувчи касаллик тарихлари ва амбулатор карталар ва ҳ.к. ишлатилиши лозим. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа



талабалар нафақат эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда балки командада ишлашда иштирок этадилар.

4. Тўртинчи босқич – хулоса. Бу босқичда педагог талаба томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани беморларда, турли хил вазиятларда, фаолият жараёнида тўғри ва тўлиқ қўллай олишига ишонч ҳосил қилиши керак ва шунда амалий кўникма ўзлаштирилди деб ҳисобланади.

Тўртинчи босқични амалга ошириш учун талаба бемор билан мустақил ишлаши педагог томонидан назорат қилинади, тиббий ҳужжатларни, касаллик тарихини ёзиб ҳимоя қилганда баҳоланади.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлигини тасдиқлайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади ва педагогга қайта топширади. Талаба барча амалий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда фанни ўзлаштирган ҳисобланади.

#### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

#### **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Пародонт касалликлари классификацияси.
2. Пародонт касалликларини хирургик даволашга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.
3. Пародонтал хирургияда лахтакли операциялар (Видман Нейман усули)
4. Пародонтал хирургияда лахтакли операциялар (милк ретракцияларини бартараф этиш).
5. Пародонтал хирургияда лахтакли операциялар (эркин юмшоқ тўқима лахтақларини кўчириб ўтказиш).
6. Оғиз бўшлиғини протезлашга тайёрлаш (вестибулопластика)
7. Оғиз бўшлиғини протезлашга тайёрлаш (тил ва лаб юганчалари калталигини бартараф этиш)
8. Оғиз бўшлиғини протезлашга тайёрлаш (ликилловчи милк, экзостозларни бартараф этиш).
9. Пародонтал хирургияда юмшоқ тўқималар трансплантацияси ва пластикаси.
10. Пародонтал хирургияда юмшоқ тўқималар пластикаси.
11. Пародонтал хирургияда қаттиқ тўқималар трансплантацияси.
12. Пародонтал хирургияда қаттиқ тўқималар пластикаси.
13. Пародонтал хирургияда ишлатиладиган остеопластик материаллар хусусиятлари.

14. Пародонтал хирургияда ишлатиладиган трансплантацион материаллар хусусиятлари.

15. Пародонтал хирургияда тўқималар йуналтирувчи регенерацияси.

16. Пародонтал хирургия операцияси ўтказилган беморларни парваришлаш хусусиятлари

17. Пародонтал хирургия операциясидан кейинги физиотерапевтик муолажалар.

18. Пародонтал хирургиядан кейинги эрта асоратларни ташхислаш.

19. Пародонтал хирургиядан кейинги кечки асоратларни ташхислаш.

20. Пародонтал хирургиядан кейинги эрта ва кечки асоратларни даволаш ва профилактикаси.

Фан бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда куйидаги шакллардан фойдаланилади:

- Аудитория машғулотларидан ташқари тренажёр, муляж ва симуляцион залларда/марказларда тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш;

- Тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган амалий кўникмаларни навбатчи шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;

- Беморлар курациясида даволовчи ёки навбатчи шифокор билан назорат қилишда иштирок этиш;

- Аҳоли орасида санитар оқартув ишларни суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;

- Айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- Берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;

- Фаннинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;

- Вазиятли ва клиник муаммоларга йуналтирилган вазиятли масалалар ечиш;

- Кейс (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш.

#### ***Шунингдек талабанинг мустақил иши бўлиб:***

-График органайзерларни ишлаб чиқиш ва тўлдириш;

- Кроссвордлар тузиш ва ечиш;

- Презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустақил иш

жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.

*Фан бўйича курс иши (лойиҳаси)*

Фан бўйича курс иши ўқув режасида кўзда тутилмаган.

**VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари**

**Асосий адабиётлар**

1. Дусмухамедов Д.М., Садикова Х.К. ва ҳаммуаллифлар “Пародонтал хирургия” ўқув услубий қўлланма. – Тошкент. ТТА босмаҳонаси. 2019 й.
2. Гаффаров С.А., Ризасев Ж.А., Жилонов А.А., Садикова Х.К. Стоматология. Ўқув қўлланма. – Тошкент. Lesson press. 2018й.

**Қўшимча адабиётлар**

1. David A. Mitchell, Anastasios N. Kanatas. An Introduction to Oral and Maxillofacial surgery. Press Taylor & Francis group. 2015 y.
2. Neelima Anil Malik. Textbook of Oral and Maxillofacial Surgery. India. JPBMP Printed at Ajanta. 2008 y.
3. Harris, R.J. A short-term and long-term comparison of root coverage with an acellular dermal matrix and a subepithelial graft // R.J.Harris // J. Periodontol. 2004. - Vol. 75, N 5. - P. 734-43.
4. Harris, R.J. Clinical evaluation of a composite bone graft with a calcium sulfate barrier / R.J. Harris // J. Periodontol. 2004. - Vol. 75, N 5. - P. 685-92.
5. Periodontal repair in dogs: examiner reproducibility in the supraalveolar periodontal defect model / K.T. Koo, G. Polimeni, J.M. Albandar, U.M.Wikesjo // J. Clin. Periodontol. 2004. - Vol. 31, N 6. - P. 39-42.
6. Polymer-assisted regeneration therapy with Atrisorb barriers in human periodontal intrabony defects / L.T. Hou, J.J. Yan, A.Y. Tsai et al. // J. Clin. Periodontol. 2004. - Vol. 31, N 1. - P. 68-74.
7. Reidy, M.E. Clinical evaluation of calcium sulfate in combination with demineralized freeze-dried bone allograft for the treatment of human intraosseous defects / M.E. Reidy, C.D. Heath, M.A.Reynolds // J. Periodontol. 2004. -Vol. 75, N3. - P. 340-7.
8. Пожарицкая М.М., Симакова Т.Г., Старосельцева Л.К., Кириенко В.В. Воспалительные заболевания пародонта у больных метаболическим синдромом /// Стоматология. 2004. - № 6. - С. 13.
9. Белоусов, Н.Н. Проблемы обследования и диагностики при заболеваниях пародонта / Н.Н. Белоусов, В.И. Буланов // Стоматология. — 2004. № 2. - С. 47.
10. Булгакова А.И., Миргазизов М.З., Медведев Ю.А. и др. Результаты лечения хронического генерализованного пародонтита с использованием диспергированного материала Аллоплант / Стоматология. 2004. - № 1. - С. 4.
11. Peterson’s Principles of Oral and Maxillofacial Surgery. BC Decker Inc Hamilton London. 2004 г.

12. Робустова Т.Г. Хирургическая стоматология. – Москва. «Медицина». 2003 г.
13. Enzymatic degradation of collagen-guided tissue regeneration membranes by periodontal bacteria / M.N. Sela, D. Kohavi, E. Krausz et al. // Clin. Oral Implants Res. 2003. - Vol. 14, N 3. - P. 263-8.
14. Evaluation of periodontal regeneration following grafting intrabony defects with bio-oss collagen: a human histologic report / M.L. Nevins, M. Camelo, S.E. Lynch et al. // Int. J. Periodontics Restorative Dent. 2003. - Vol. 23, N 1. - P. 9-17.
15. Guided tissue regeneration in human Class II furcation defects using a diphenylphosphorylazide-cross-linked collagen membrane: a consecutive case series / C.S. Zahedi, S.A. Miremadi, G. Brunei et al. // J. Periodontol. 2003. -Vol. 74, N7.-P. 1071-9.
16. Development and applications of injectable poly(ortho esters) for pain control and periodontal treatment / J. Helle, J. Barr, H.R. Shen et al. // Biomaterials. 2002. - Vol. 23, N 22. - P. 4397-404.
17. Management of fused supernumerary teeth in children using guided tissue regeneration: long-term follow up of 2 cases / C.B. Olsen, T. Johnston, M. Desai, G.G.Peake // Pediatr. Dent. 2002. - Vol. 24, N 6. - P. 566-71.
18. Безрукова, И.В. Агрессивные формы пародонтита. - Москва. Медицинское информационное агентство. 2002 г.
19. Малахов, А.Г. Хирургическое и кислородно-лазерное лечение хронического пародонтита: автореф. дис. кан. мед.наук. - Самара, 2002 г.
20. Безруков В.М., Робустова Т.Г. – Руководства по хирургической стоматологии и челюстно-лицевой хирургии. – Москва. «Медицина». 2000 г.
21. Курякина, Н.В. Заболевания пародонта. Н. Новгород: Изд-во НГМА, 2000.